



ОЛТИН ЭКСПОРТИ ОШЯПТИ

2020

йилнинг январь – май ойларида Ўзбекистон экспортида олтиннинг улуши 31,9 фоизга тенг бўлди. Бу 5 ойда 1,64 млрд. долларлик олтин сотилди, деганидир. Давлат статистика қўмитаси хабарига кўра, 2019 йил январь – май ойларига нисбатан ўсиш 33,3 фоизни ташкил этган. Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда Ўзбекистонда олтин экспорти сезиларли даражада ошди. Хусусан, 2015 йилда 823,9 миллион доллар, 2016 йилда 738,2, 2017 йилда 1,6 миллиард, 2018 йилда 2,91 ва 2019 йилда 4,9 млрд. доллардан зиёдни ташкил этди.